


“ТА СДИҚЛАЙМАН”
“Навоий КМК” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари


Х.Р..Раупов
2024 йил “ 07 ” 05

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши
ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ № 5

Навоий шахри

2024 йил “ 07 ” 05

Раислик қилувчи: И.Қ.Рахматов -Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этди: Кенгаш аъзолари (*рўйхат бўйича*)

Таклиф этилди: Т.Ғаниев – Хужжатлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, Л.Бобоқулова – Умумий бўлим мудирини, Т.Демура – Юридик бўлим бошлиғи

КУН ТАРТИБИ:

Комбинат томонидан қабул қилинган ички идоравий хужжатлар ва қарорларда жамоатчилик манфаатлари ва фикри ҳисобга олиниши таҳлилга бағишлаб ўтказилган йиғилиш тўғрисида

(Рахматов, Раупов, Джураев, Садриддинов, Ғаниев, Бобоқулова, Демура, Идиев ... Рахматов)

“Навоий КМК” АЖ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Рахматов йиғилишни очиб, Комбинат томонидан қабул қилинган ички идоравий хужжатлар ва қарорларда жамоатчилик манфаатлари ва фикри ҳисобга олиниши таҳлилга бағишланган йиғилиш кун тартиби ҳақида ахборот берди.

Шундан сўнг, “Навоий КМК” АЖ Хужжатлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Т.Ғаниевнинг кун тартибига доир маърузаси тингланди.

Маърузада таъкидландики, комбинатда қабул қилинаётган ҳар бир ички идоравий хужжатлар ва қарорларда ишчи-ходимлар манфаатлари ва фикрлари ҳисобга олинаётгани, шунингдек, улар лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида юритилаётгани аниқ таҳлиллар асосида айтилди.

Музокараларда Х.Раупов, Л.Бобоқулова, Т.Демура ва бошқалар томонидан турли таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Навоий КМК” АЖ Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Т.Ғаниевнинг кун тартибига доир маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.


2. Асосий ижрочилар (Бобоқулова, Демура ва б.)ларга:

- Кун тартибига доир мавзу юзасидан талабларни янада кучайтириш;
- ижро интизоимини мустаҳкамлаш ва амалга ошириш;
- ҳар бир ижро хатлари ва уларда кўзда тутилган талаблар ижросини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш;

- бажарилган ишлар юзасидан доимий равишда жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида брифинг, матбуот анжуманлари ва ОАВларда чиқишлар қилиб бориш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Жамоатчилик кенгаши котиби А.Джураев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Джураев